

156 - وَعَنْ أَبِي مُحَمَّدٍ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: أَخْبَرَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنِّي أَقُولُ: وَاللَّهِ لَأَصُومَنَّ النَّهَارَ، وَلَا أَقُومَنَّ اللَّيْلَ مَا عِشْتُ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَنْتَ الَّذِي تَقُولُ ذَلِكَ؟» فَقُلْتُ لَهُ: قَدْ قُلْتُهُ بِأَبِي أَنْتَ وَأُمِّي يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ: «فَإِنَّكَ لَا تَسْتَطِيعُ ذَلِكَ، فَصُمْ وَأَفْطِرْ، وَتَمَّ وَقُمَّ، وَصُمْ مِنَ الشَّهْرِ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ، فَإِنَّ الْحَسَنَةَ بَعَشْرَ أَمْثَالِهَا، وَذَلِكَ مِثْلُ صِيَامِ الدَّهْرِ قُلْتُ: إِنِّي أُطِيقُ أَفْضَلَ مِنْ ذَلِكَ، قَالَ: «فَصُمْ يَوْمًا وَأَفْطِرْ يَوْمَيْنِ»، قُلْتُ: إِنِّي أُطِيقُ أَفْضَلَ مِنْ ذَلِكَ، قَالَ: «فَصُمْ يَوْمًا وَأَفْطِرْ يَوْمًا، فَذَلِكَ صِيَامُ دَاوُدَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَهُوَ أَعْدَلُ الصِّيَامِ» - وَفِي رِوَايَةٍ: «هُوَ أَفْضَلُ الصِّيَامِ» [خ 1976] - فَقُلْتُ: فَإِنِّي أُطِيقُ أَفْضَلَ مِنْ ذَلِكَ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا أَفْضَلَ مِنْ ذَلِكَ» وَلَئِنْ أَكُونُ قَبْلُ الثَّلَاثَةِ الْأَيَّامِ الَّتِي قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَحَبُّ إِلَيَّ مِنْ أَهْلِي وَمَالِي. [خ 3418، م 1159].

وَفِي رِوَايَةٍ: «أَلَمْ أُخْبِرْ أَنَّكَ تَصُومُ النَّهَارَ وَتَقُومُ اللَّيْلَ؟» قُلْتُ: بَلَى يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ: «فَلَا تَفْعَلْ، صُمْ وَأَفْطِرْ، وَتَمَّ وَقُمَّ، فَإِنَّ لِحَسَدِكَ عَلَيْكَ حَقًّا، وَإِنَّ لِعَيْنِكَ عَلَيْكَ حَقًّا، وَإِنَّ لِرِزْوَجِكَ عَلَيْكَ حَقًّا، وَإِنَّ لِرِزْوَجِكَ عَلَيْكَ حَقًّا، وَإِنَّ بِحَسْبِكَ أَنْ تَصُومَ فِي كُلِّ شَهْرٍ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ، فَإِنَّ لَكَ بِكُلِّ حَسَنَةٍ عَشْرَ أَمْثَالِهَا، فَإِذَا ذُنُوبُكَ صِيَامُ الدَّهْرِ» فَشَدَّدْتُ فَشَدَّدَ عَلَيَّ، قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنِّي أَجِدُ قُوَّةً،

قَالَ: «صُمْ صِيَامَ نَبِيِّ اللَّهِ دَاوُدَ وَلَا تَزِدْ عَلَيْهِ» قُلْتُ: وَمَا كَانَ صِيَامَ دَاوُدَ؟ قَالَ: «نِصْفُ

الدَّهْرِ» فَكَانَ عَبْدُ اللَّهِ يَقُولُ بَعْدَ مَا كَبِرَ: يَا لَيْتَنِي قَبْلْتُ رُحْصَةَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ. [خ

وَفِي رِوَايَةٍ: «أَلَمْ أُخْبِرْ أَنَّكَ تَصُومُ الدَّهْرَ، وَتَقْرَأُ الْقُرْآنَ كُلَّ لَيْلَةٍ؟» قُلْتُ: بَلَى يَا رَسُولَ اللَّهِ، وَمَ أُرِدُ بِذَلِكَ إِلَّا الْحَيْرَ، قَالَ: «فَصُمْ صَوْمَ دَاوُدَ، فَإِنَّهُ كَانَ أَعْبَدَ النَّاسِ، وَقَرَأَ الْقُرْآنَ فِي كُلِّ شَهْرٍ» قُلْتُ: يَا نَبِيَّ اللَّهِ؛ إِنِّي أُطِيقُ أَفْضَلَ مِنْ ذَلِكَ؟ قَالَ: «فَاقْرَأْهُ فِي كُلِّ عَشْرِينَ» قُلْتُ: يَا نَبِيَّ اللَّهِ إِنِّي أُطِيقُ أَفْضَلَ مِنْ ذَلِكَ، قَالَ: «فَاقْرَأْهُ فِي عَشْرِ» قُلْتُ: يَا نَبِيَّ اللَّهِ؛ إِنِّي أُطِيقُ أَفْضَلَ مِنْ ذَلِكَ، قَالَ: «فَاقْرَأْهُ فِي سَبْعٍ وَلَا تَزِدْ عَلَى ذَلِكَ» فَشَدَّدْتُ فَشَدَّدَ عَلَيَّ، وَقَالَ لِي النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّكَ لَا تَدْرِي لَعَلَّكَ يَطُولُ بِكَ عُمُرٌ قَالَ: فَصِرْتُ إِلَى الَّذِي قَالَ لِي النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَلَمَّا كَبُرْتُ وَدِدْتُ أَنِّي كُنْتُ قَبِلْتُ رُحْصَةَ نَبِيِّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ. [م 1159/182]

وَفِي رِوَايَةٍ: «وَإِنَّ لَوْلَدِكَ عَلَيْكَ حَقًّا». [م 1159/183].

وَفِي رِوَايَةٍ: لَا صَامَ مَنْ صَامَ الْأَبَدَ « ثَلَاثًا. [خ 1977، م 1159/183].

وَفِي رِوَايَةٍ: «أَحَبُّ الصِّيَامِ إِلَى اللَّهِ تَعَالَى صِيَامُ دَاوُدَ، وَأَحَبُّ الصَّلَاةِ إِلَى اللَّهِ تَعَالَى صَلَاةُ دَاوُدَ: كَانَ يَنَامُ نِصْفَ اللَّيْلِ، وَيَقُومُ ثَلَاثَةَ، وَيَنَامُ سُدْسَهُ، وَكَانَ يَصُومُ يَوْمًا وَيُفْطِرُ يَوْمًا، وَلَا يَغْرُ إِذَا لَاقَى». [خ 1131، 3419، م 1159/187، 189].

وَفِي رِوَايَةٍ قَالَ: أَنْكَحَنِي أَبِي امْرَأَةً ذَاتَ حَسَبٍ، وَكَانَ يَتَعَاهَدُ كَنَّتَهُ - أَيَّ امْرَأَةً وَوَلَدِهِ - فَيَسْأَلُهَا عَنْ بَعْلِهَا، فَتَقُولُ لَهُ: نَعَمْ الرَّجُلُ مِنْ رَجُلٍ لَمْ يَطَأْ لَنَا فِرَاشًا وَمَ يُفْتَشُ لَنَا كَنَفًا مُنْذُ أَتَيْتَاهُ، فَلَمَّا طَالَ ذَلِكَ عَلَيْهِ ذَكَرَ ذَلِكَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ. فَقَالَ: «الْقَنِي بِهِ» فَلَقِيْتُهُ بَعْدُ فَقَالَ: «كَيْفَ تَصُومُ؟» قُلْتُ: كُلَّ يَوْمٍ، قَالَ: «كَيْفَ تَحْتِمُ؟» قُلْتُ: كُلَّ لَيْلَةٍ، وَذَكَرَ نَحْوَ مَا سَبَقَ، وَكَانَ يَقْرَأُ عَلَى بَعْضِ أَهْلِهِ السُّبْعَ الَّذِي يَقْرُؤُهُ، يَعْزِضُهُ مِنَ النَّهَارِ لِيَكُونَ أَحَفَّ عَلَيْهِ بِاللَّيْلِ، وَإِذَا أَرَادَ أَنْ يَنْقَوِيَ

أَفْطَرَ أَيَّاماً وَأَحْصَى وَصَامَ مِثْلَهُنَّ كِرَاهَةً أَنْ يَتْرَكَ شَيْئاً فَارَقَ عَلَيْهِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ.

[5052].

كُلُّ هَذِهِ الرِّوَايَاتِ صَحِيحَةٌ مُعْظَمُهَا فِي «الصَّحِيحِينَ» وَقَلِيلٌ مِنْهَا فِي أَحَدِهِمَا.

156. Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга менинг «Аллоҳга қасам, ҳаёт эканман, кундузни рўза тутиб, кечани ибодат қилиб ўтказаман», деяётганимнинг хабари берилибди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сен (ҳақиқатда) мана шу гапларни айтдингми?»** дедилар. Мен: «Ота-онам сизга фидо эй Расулуллоҳ, ҳақиқатда бу сўзларни айтдим», дедим. У зот: **«Сен бундай қила олмайсан. Шу боис рўза ҳам тутгин, оғзи очик ҳам юргин, ухлагин ҳам, (кечаси ибодатда) қоим ҳам бўлгин. Бир ойда уч кун рўза тут, чунки яхшилик ўзининг ўн мислича (кўпайтириб берилади). Мана шу - йил бўйи рўза тутган кабидир»**, дедилар. «Бундан ҳам ортиғига тоқат қила оламан», дедим. **«Бўлмаса бир кун рўза тутиб, икки кун оғзи очик бўл»**, дедилар. «Бундан ҳам ортиғига тоқат қила оламан», дедим. У зот: **«Ундай бўлса, бир кун рўза тут, бир кун оғзи очик бўл, мана шу Довуд алайҳиссаломнинг рўзасидир [ва у рўзаларнинг энг тўғрисида] у рўзаларнинг энг афзалидир»**, дедилар. «Мен ундан ҳам ортиғига тоқат қила оламан», дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бундан ортиғи йўқ»**, дедилар».

У зот айтган уч кунни қабул қилганим менга аҳли ва молимдан яхшироқ эди».

Яна бир бошқа ривоятда қуйидагича айтилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Айтишларича, сен кунни рўза билан, тунни ибодат билан ўтказар эмишсан?» дедилар. «Ҳа, шундай, эй Аллоҳнинг Расули», дедим. У зот: **«Ундай қилма. Рўза ҳам тут, оғзи очик ҳам юр. Бедор ҳам бўл, ухлагин ҳам. Чунки сенда танангинг ҳам ҳаққи бор, кўзингинг ҳам ҳаққи бор, аёлингнинг ҳам ҳаққи бор, меҳмонингнинг ҳам ҳаққи бор. Сенга ҳар ойда уч кун рўза тутиш кифоя. Зеро, сен учун ҳар бир**

яхшилик эвазига унинг ўн баробари бордир. Мана шунинг ўзи йил-ўн икки ой тўла рўза тутишдир», дедилар. Мен (рўза муддатини) кўпайтиравердим, кўпайиб бораверди. «Эй Аллоҳнинг Расули, (бундан кўпроғига ҳам) кучим етади», деявердим. У зот: **«Унда Аллоҳнинг набийси Довуд алайҳиссаломнинг рўзасини тут ва бундан зиёда қилма»,** дедилар. Мен: «Аллоҳнинг набийси Довуд алайҳиссаломнинг рўзалари қандай бўлган?» дедим. У зот: **«Кун ора»,** дедилар».

Абдуллоҳ ёши улғайгандан кейин: «Қани энди, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг рухсатларини қабул қилганимда...» дерди.

Яна бир бошқа ривоятда мана бундай дейилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Менга хабар қилинишча, сен йил бўйи рўза тутиб, ҳар кеча Қуръонни ўқиб чиқар эмишсан?». Мен: «Шундай, эй Аллоҳнинг Расули! Лекин буни фақат яхши ният билан қилдим», дедим. У зот: **«Сен Аллоҳнинг Набийси Довуднинг рўзасини тут, чунки у одамларнинг энг обиди эди. Қуръонни ҳар ойда бир ўқиб чиқ»,** дедилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг Набийси! Ундан ортиғига ҳам тоқатим етади», дедим. У зот: **«Унда ҳар йигирма кунда ўқиб чиқ»,** дедилар. «Эй Аллоҳнинг Набийси! Ундан ортиғига ҳам тоқатим етади», дедим. **«Унда ҳар ўн кунда ўқиб чиқ»,** дедилар. «Эй Аллоҳнинг Набийси! Ундан ортиғига ҳам тоқатим етади», дедим. У зот: **«Унда уни ҳар етти кунда ўқиб чиқ, лекин бундан зиёда қилма.** Мен (рўза муддатини) кўпайтиравердим, кўпайиб бораверди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сен билмайсан, балки умринг узун бўлар»,** деб менга айтдилар. Мен: «У зот айтган ёшга етиб улғайгач, кошкийди, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам рухсатларини қабул қилган бўлсам эди», деб айтдим».

Яна бир бошқа ривоятда: **«Болаларингнинг сенинг устингда ҳаққи бордир»,** дейилган.

Яна бир бошқа ривоятда: **«Ким умр бўйи рўза тутса, рўзаси йўқдир»,** деб уч марта айтдилар, дейилган.

Яна бир бошқа ривоятда: **«Аллоҳ таолога рўзаларнинг яхшиси Довуд алайҳиссаломнинг рўзасидир. Аллоҳ таолога намозларнинг яхшиси Довуд алайҳиссаломнинг намозидир. Кечанинг ярмида ухлаб, учдан бирида туриб, (ибодат ила машғул бўлиб), олтидан бирида яна ухлардилар. Бир кун рўза тутиб, бир кун оғизлари очиқ бўлар эди. Агар душманга йўлиқсалар, қочмас эдилар»,** дейилган.

Яна бир бошқа ривоятда қуйидагича келтирилади:

«Отам мени насл-насабли бир аёлга никоҳлаб қўйди. У келинидан хабар олиб турар, ундан турмуш ўртоғи ҳақида сўрар, (келини) эса: «У эрларнинг энг яхшиси. Бироқ унинг олдига келганимиздан бери биз учун бир тўшак босмади ҳам, бизга бирор бир пана қидирмади ҳам», дер экан. Ундаги бу ҳол чўзилиб кетгач, бу ҳақда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга зикр қилган экан, у зот: «**Уни менга рўпара қил**», дебдилар. Кейинроқ у зотга рўпара бўлган эдим: «**Рўзани қандай тутяпсан?**» дедилар. «Ҳар куни», дедим. «**Хатмни қандай қиляпсан?**» дедилар. «Ҳар кечада», дедим. Юқоридаги сўзларни давом эттирдилар..... У ўз аҳлидан бир кишига Қуръоннинг еттидан бирини кундузи ўқиб берар, кечаси енгилроқ бўлиши учун ўшанда ўқийдиганини кундузи унга ўқиб ўтказар эди. Куч тўпламоқчи бўлса, бир неча кун оғиз очиқ юрар ва ҳисоблаб туриб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан айрилганидаги ҳолатидан бирор нарсани тарк этишни истамаганидан, ўшанча (кун) рўза тутар эди».

Бу ривоятларнинг ҳаммаси саҳиҳ бўлиб, аксарияти икки «Саҳиҳ» китобида, озроғи иккисининг бирида келтирилган.

Шарҳ: Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Саҳобалар ичида Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳуга ўхшаб ҳаддан ташқари кўп ибодат қилишга уринган кишилар бўлганлиги.
2. Одатдан ташқари ибодатга уринган кишилар бўлса, хабар бериш кераклиги.
3. Пешво ҳаддан ташқари ибодатга берилганларни суриштириб, хатоси бўлса, тузатиб бориши керак.
4. Кундузлари доимий равишда рўза тутиб, кечалари намоз ўқиш Ислом шариатига тўғри келмаслиги.
5. Меъёрида нафл рўза тутиб, меъёрида оғзи очиқ юриш, меъёрида ухлаб, меъёрида ибодат қилиш кераклиги.
6. Нафл рўза тутиш учун энг афзал меъёр ҳар ойдан уч кун рўза тутиш экани.
7. Баъзи бир кишиларда ҳар ойда уч кун рўза тутишдан кўпроқ рўза тутишга тоқат бўлса, бир кун рўза тутиб, икки кун тутмаслиги яхши экани.

8. Исломда бир яхши амалга ўн мислича савоб берилиши. Уч кунлик рўза, ушбу қоидага биноан, бир ой рўза ўрнига ўтиши. Бинобарин, ҳар ойдан уч кун рўза тутган одам йил бўйи рўза тутгандек бўлиши.

9. Бир кун рўза тутиб, икки кун тутмай юришдан ҳам ортиққа тоқати етган киши бир кун рўза тутиб, бир кун тутмаслиги кераклиги. Шу шаклда нафл рўза тутиш энг яхшиси экани. Бундан яхшиси бўлиши мумкин эмаслиги.

10. Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳунинг кейинчалик ўз қилмишларига афсус қилганлари. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ойдан уч кун рўза тутишга иршод қилганларида дарҳол қабул қилмаганлари учун ўзларини ўзлари койиганлари.

11. «Албатта, жасадингни сенда ҳаққи бор».

Ислом таълимоти инсон руҳ ва жасаддан иборат эканини қайта-қайта таъкидлайди. Яна мусулмон инсон ҳам руҳий, ҳам жисмоний роҳатга, озуқага, тарбияга ва ихтимомга муҳтож эканини ҳам қайта-қайта таъкидлайди.

Мусулмон инсон ўз жасадини яхши тутиши, унга тоқатидан ташқари нарсани юкласлиги лозим. Доимий равишда кундузи рўза тутиб, кечаси намоз ўқиб ўтишда ушбу тавозун бузилади. Инсоннинг жасадига оғирлик тушади, қийналади. У заифлашади, бора-бора дардга чалиниши ҳам мумкин.

Шунинг учун мусулмон инсон ўзидаги жасаднинг ҳаққини риоя қилмоғи лозим. Доимий равишда рўза тутиб, кечалари намоз ўқиб, жасадини қийнаб, унинг ҳаққини поймол қилмаслиги лозим.

12. «Албатта, икки кўзингни сенда ҳаққи бор».

Икки кўз Аллоҳ томонидан бандага берилган улкан неъмат. Банданинг икки кўздан оладиган манфаатларини ҳисоблаб чиқиш қийин. Лекин шу билан бирга, банда ўша икки кўзнинг ўзида ҳаққи борлигини ҳеч унутмаслиги керак. Унга ҳар доим хизмат қилиб турувчи икки кўз кези келганда дам олишга муҳтож. Вақтида ухланса, кўзлар дам олади. Буни мусулмон банда ҳеч унутмаслиги керак.

13. «Албатта, жуфти ҳалолингни сенда ҳаққи бор».

Исломда оила қуриб яшашга алоҳида эътибор берилган. Эру хотининг бир-бирларида ҳаққи бор. Улардан бири доимий равишда кундузи рўза тутиб, кечаси нафл намоз ўқиб ўтадиган бўлса, иккинчисининг ҳаққини поймол қилган бўлади. Мусулмон шахсинг қиладиган нафл ибодати жасади, кўзлари ҳаққидан ташқари жуфти ҳалоли ҳаққини ҳам поймол қилмаслиги керак.

14. «Албатта, зиёратчингни сенда ҳаққи бор».

Мусулмон инсон ёлғиз ўзи ёки оиласи билангина яшамайди. У инсонлар жамиятида яшайди. Кўпчилик билан алоқа, борди-келди қилиши керак. Ана ўша ижтимоий алоқалар юзасидан жамиятнинг бошқа аъзоларининг унда ҳақлари бор. Бу ҳақларни адо этиш учун вақт, куч-қувват керак.

Доимий равишда кундузи рўза тутиб, кечаси намоз ўқиб ўтадиган одам бу ҳақни адо эта олмаслиги турган гап. Шунинг учун суннатга амал қилиб, бир ойда уч кун нафл рўза тутгани ва кечанинг учдан бирида ибодат қилгани маъқул.

15. Доимий равишда кундузи рўза тутиб, кечаси билан намоз ўқиб чиқиш кўзнинг заифлашишига ва нафснинг малол олишига сабаб бўлиши.

Ислоннинг дастлабки даврида мусулмон кишилар ихлосли бўлганларидан иложи борича кўпроқ ибодат қилишга, кўпроқ савоб топишга, Аллоҳнинг розилигини қозонишга саъйи ҳаракат қилганлар. Улар фарз ибодатлар, суннат ибодатлар билан ҳам, меъёридаги нафл ибодатлар билан ҳам кифояланмай, яна ҳам кўпроқ ибодат қилиш пайида бўлганлар.

Ўша пайтлардаёқ Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу ҳадиси шарифдагига ўхшаб, уларни бундай ортиқча урунишдан қайтаришга мажбур бўлганлар.

Энди айтинг, умри бўйи ўзига фарз қилинган рўзани ҳам тутмай юрганлар нечта? Умр бўйи пешонаси сажда кўрмай юрганларнинг адади қанча? Бу саволларнинг жавоби аниқ. Ундай кишиларни санаб саноғига етиб бўлмайди.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда ўзини мусулмон ҳисоблаб юрган кишиларга «Албатта, Роббингни сенда ҳаққи бор» деб эслатиб турмоқ керак.

Чунки бугунги кунимизда мусулмонлик даъвосини қилиб юрган кўпчилик одамлар жасади, кўзи, жуфти, зиёратчисига керагидан ортиқ эҳтимом беришдан ташқари молу дунё, орзу ҳавас, ҳаром-хариш, гуноҳ ва бошқа ношаръий ишларга бору бурдларини сарфлаб, рўза тутиш, намоз ўқиш ва бошқа ибодатларни тарк қилмоқдалар. Улар ўзларида Роббиларининг ҳаққи борлигини, бу ҳақ У зотга ибодат қилиш билангина адо этилиши мумкинлигини унутиб қўймоқдалар. Шунинг учун иложи борича меъёрида ибодат қилиб, ҳар бир ҳақдорнинг ҳаққини шариатимиз кўрсатганидек адо қилиб қўйишимиз керак.

Ушбу ҳадисдан кўриниб турибдики, кечаси таҳажжуд намози ўқиш олдинги пайғамбарларда ҳам бўлган қадимги ибодат. Кечаси таҳажжуд намози ўқиш учун энг афзал услуб ва вақт тақсимлаш Довуд алайҳиссаломга оид экан. У

зот алайҳиссалом кечанинг ярмида ухлаб, учдан бир қисмида таҳажжуд намози ўқир эканлар. Кейин яна ётиб, олтидан бир қисмида ухлар эканлар. Демак, вақтида ухлаб, вақтида таҳажжуд намозини ўқир эканлар. Бу ўртача иш тутишдир. Кечанинг ҳаммаси ғафлат уйқусида ҳам ўтказилмайди, кечаси билан намоз ўқиб, уйқудан қолиб қийналмайди ҳам.

Демак, ҳаётимизда меъёрида иш тутиб, вақтида ухлаб, вақтида таҳажжуд намозини ўқишимиз керак.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI